Ёғингарчилик мавсумида сел ва сув тошқинлари хавфини камайтириш, дренаж тармоқлари ҳолати ҳамда аҳолини хабардор қилиш чоралари тўғрисида маълумот

Ёғингарчилик мавсумида аҳоли ва ҳудудларни сел ҳамда сув тошқинлари билан боғлиқ хавфлардан муҳофаза қилиш, гидротехника иншоотларининг барқарор ишлашини таъминлаш, сув ўтказиш тармоқларидаги тўсиқларни бартараф этиш ва камчиликларни тузатиш, шунингдек, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сув хўжалиги вазирлиги тизимида мазкур йўналишлар бўйича ташкилий, техник ва профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

1. Сел-тошқин вазияти ва унинг оқибатлари

Йил бошидан буён мамлакатимизда 420 та сел ҳодисаси қайд этилган. Сел оқимлари натижасида жами 844 миллион куб метр сув оқиб келган бўлиб, унинг 361 миллион куб метри сув омборларида захира қилинган. Энг кўп сел ҳодисаси Наманган вилоятида – 224 та, Жиззах вилоятида – 53 та, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса 38 тадан кузатилган.

Сел ҳодисалари оқибатида 85 та хонадон, 208 та томорқа ва экин майдони, 10 та транспорт воситаси, 13 та кўприк, 26 та кўча ва йўл, шунингдек, 3 та ижтимоий ва бошқа объект зарар кўрган.

Жумладан, 2026 йил 2 май куни Жиззах вилояти Янгиобод тумани Баландчақир қишлоғи ҳудудида ёғингарчилик туфайли ҳосил бўлган сел сувлари Баландчақирсойга йўналтирилиб, аҳоли хонадонларига зарар етказмаган ҳолда хавфсиз ўтказиб юборилган. Фарғона вилоятида май ойида юз берган сел ҳодисалари оқибатларини бартараф этишга эса тегишли хизматлар ва махсус техника жалб қилинган.

2. Хавфни камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар

Вазирликнинг тегишли буйруғи билан сел оқимлари ва тошқин сувларини хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ҳамда сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш чоралари белгиланган. Шу асосда сув омборлари, йирик гидроузеллар, насос станциялари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа объектларда **кечаю кундуз навбатчилик йўлга қўйилган, тезкор ишчи гуруҳлар ҳамда вазирлик ва ҳудудий штаблар ташкил этилган.**

2026 йилнинг 2–18 март кунлари Сув хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ички ишлар органлари ва бошқа масъул тузилмалар иштирокида хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари, кўприклар ва сел иншоотлари жойига чиқиб ўрганилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва иншоотларнинг ишончли фаолиятини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси назоратга олинган.

Сел сувларини хавфсиз ўтказиш мақсадида ўзанли сув омборларининг иш режими назоратга олинган, захира электр манбалари, техника ва механизмлар шай ҳолатга келтирилган, зарур материаллар захираси яратилган. Дарё ва сойларнинг шикастланган қирғоқларини мустаҳкамлаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, акведуклар, дюкерлар ва бошқа гидротехника иншоотларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ташкил этилган.

2026 йилги манзилли дастур доирасида 20 та объектда 3,5 километр канал ва 13 та гидротехника иншоотини реконструкция қилиш ҳамда 11,2 километр қирғоқни мустаҳкамлаш учун 41,3 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Сув омборларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида 17 та сув омборида маҳаллий даражадаги автоматлаштирилган огоҳлантириш тизимлари жорий этилган, 16 та сув омборига 83 та сейсмик қурилма ўрнатилган. Шунингдек, 47 та сув ва сел сув омборининг техник ҳолатини яхшилашга қаратилган 96 та тадбир амалга оширилган.

Вазирликнинг тегишли буйруғи билан фавқулодда вазиятларда фойдаланиладиган моддий ресурслар захирасини шакллантириш тартиби, шунингдек, 2026–2027 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

3. Аҳоли хавфсизлиги ва тушунтириш ишлари

Вазирликнинг тизим ташкилотлари томонидан фавқулодда вазиятлар органлари, ички ишлар тизими, маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллалар билан ҳамкорликда жойларда сел-тошқин хавфи, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш тартиби ва сув объектларида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича давра суҳбатлари, тушунтириш ишлари, профилактик рейдлар ҳамда тарғибот тадбирлари ўтказиб борилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг сув объектларида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 65 та сув омборида 455 та, магистрал каналларда 4 109 та огоҳлантирувчи ва тақиқловчи белги ўрнатилган. Магистрал каналларда 574 та тушиш зинаси, 221 та қутқарув ҳалқаси ва 371 та қутқарув арқони жойлаштирилган. Айрим ҳудудларда 12,4 километр ҳимоя тўсиқлари ўрнатилган. Бу чоралар сув объектларидаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

Кузги ёғингарчиликлар бошланиши муносабати билан сел ва сув тошқинлари хавфи мавжуд ҳудудларда аҳолини барвақт огоҳлантириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Об-ҳаво прогнозлари мунтазам кузатиб борилиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Гидрометеорология агентлиги ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда расмий огоҳлантиришлар аҳолига тезкор етказилмоқда.

Шу ўринда, аҳолига фавқулодда ҳолатларда 112 рақамига қўнғироқ қилиш ва фақат тасдиқланган расмий огоҳлантиришларга таяниш тавсия этилади.

Сув хўжалиги объектларини
эксплуатация қилиш агентлиги